



Ҳаёт ҳикмати

Маҳмудхўжа БЕҲБУДИЙ:

Мактаб – жаннат ва истиқболнинг эшиги, мактаб – жаҳолатга душман қиличи, мактаб – дунё иморатларининг энг муқаддаси ва қадрлисидур!



меҳр-мурувват, бирдамлик, эзгулик ва саховат байрами – муборак Қурбон ҳайити билан бутун халқимизни, қолаверса, партиямизнинг миллионлаб аъзоларини, электоратимиз вакиллари самимий табриклайди! Муқаддас айём моҳиятида, энг аввало, тинчлик, инсонпарварлик, фаровонлик ва хотиржамлик ғоялари мужассамдир.

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

О'zLideP ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИГА САФАРИ САМАРАЛИ БЎЛДИ

Аввал хабар берганимиздек, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси делегацияси 24–31 май кунлари Хитой Коммунистик партияси Марказий қўмитаси таклифига биноан ушбу давлатда бўлиб қайтди. О'zLideP фаоллари Пекин шаҳри ва Шэньси провинциясида қатор халқаро форум ва учрашуларда иштирок этди, парламент ва партиялараро ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳамда ижтимоий-иқтисодий масалалар муҳокама қилинди, ўзаро тажриба алмашилди.

Ташриф доирасида О'zLideP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Ақтам Хаитов Хитой Халқ Республикаси Коммунистик партияси Марказий қўмитаси Халқаро алоқалар бўлими мудирини Лю Цзяньчао билан учрашди. Ушбу учрашувда Ўзбекистон Республикасининг Хитой Халқ Республикасидаги Фавқуллоҳда ва Мухтор элчиси Фарҳод Арзиев ҳам қатнашди.

Мулоқотда Хитой билан кўп қиррали муносабатларни ривожлантириш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бўлиб келгани, буларнинг барчаси икки мамлакат раҳбарлари Шавкат Мирзиёев ва Си Цзиньпин ўртасидаги ишончли мулоқот, мунтазам ўтказилаётган саммитлар самараси эканлиги алоҳида эътироф этилди.

Ўзбекистон ва Хитой ўртасида парламентлараро ва партиялараро алоқалар янада мустаҳкамланиб бораётгани таъкидланди. Хусусан, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ва Хитой Коммунистик партияси ўртасида имзоланган ўзаро англашув меморандуми ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги bosқичга олиб чиққани айтиб ўтилди. Учрашув кўтаринки ва конструктив руҳда ўтди.

О'zLideP делегацияси Марказий Осиё давлатларининг етакчи сиёсий партиялари вакиллари билан биргаликда Сиань шаҳрида "Хитой – Марказий Осиё" формати котибияти билан учрашув ўтказди. Мазкур котибият Хитой ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, маданий ва инсонпарварлик соҳаларидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, минтақавий барқарорлик ва тараққиётни таъминлашга қаратилган амалий лойиҳаларни илгари суришда муҳим платформа бўлиб хизмат қилмоқда. Учрашувда томонлар ўзаро манфаатли ҳамкорликни



янада кенгайтириш, парламентлараро ва партиялараро муносабатларни ривожлантириш, стратегик шерикликни мустаҳкамлаш масалаларини муҳокама қилдилар. Шу билан бирга, сиёсий партиялар ўртасида тажриба алмашиш, ўзаро ишонч ва ҳамжиҳатликни кучайтириш муҳим экани таъкидланди.

Делегация аъзолари Шэньси провинцияси раҳбарияти билан ҳам учрашув ўтказди. Мулоқотда Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий алоқалар янада мустаҳкамланиб бораётгани алоҳида эътироф этилди. Жумладан, қурилиш, саноат, қишлоқ хўжалиги, туризм ва таълим соҳаларида кўплаб қўшма дастурлар амалга оши-

рилаётгани таъкидланди. Хитойнинг замонавий шаҳарсозлик тажрибаси, транспорт-коммуникация инфратузилмаси, логистика ҳаблари, шунингдек, саноат зоналаридаги қўшма лойиҳалар ҳақида фикр алмашилди.

О'zLideP делегацияси аъзолари Шэньси провинциясида жойлашган BYD автомобиль ишлаб чиқариш компанияси, Цайцзяпо қишлоғида ташкил қилинган бошланғич партия ташкилоти, сутни қайта ишлаш заводи, қишлоқ хўжалиги соҳаси ҳамда Сиань фан ва технологиялар университети фаолияти билан ҳам танишди.

О'zLideP матбуот хизмати

Таътил ҳаммага... татийдими?

4с



Миртемир:

Садағанг кетай, халқим!

6с



ИШОНЧ улашилмайди, қозонилади

Дарҳақиқат депутатнинг мақоми ва обрўси унинг сайлов олдидан одамларга берган катта-кичик ваъдаларининг қай даражада бажарилишига боғлиқ. Йўқса халқнинг ишончи пасаяди ва унга дардини, муаммо, таклиф ва мулоҳазаларини айтмай қўяди. Шу боис Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О‘зЛиДеР фракцияси аъзолари сайловолди дастурларидаги мақсадларини унутмаган ҳолда уларни самарали амалга оширишга уринишмоқда. Бунинг учун аҳоли билан мунтазам равишда жонли мулоқот, учрашувлар ташкил этиб, уларни жон қулоқлари билан тинглашмоқда, халқимизнинг оғирини енгил қилишга интилишмоқда.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, О‘зЛиДеР фракцияси аъзоси **Гулжан Халмуратова** Хўжайли тумани Жайхун маҳалласи еттилиги вакиллари билан учрашди. Хонадонларга кириб, томорқа даромад манбаи экани, ердан самарали фойдаланиш ҳақида мулоқот қилди. Намунали томорқачиларнинг тажрибалари, маҳалла аҳлининг ерларни суғоришдаги ишлари ва дуч келаётган муаммолари, ҳудудни ободонлаштириш ва ички йўллар ҳолатини ўрганди.

Кейинги манзил 48-оилавий поликлиника бўлди. Тиббиёт соҳа-си вакиллари билан мулоқот жараёнида кейинги йилларда соҳа-га қаратилаётган эътибор, қонунчиликдаги янгиликлар, янги қо-нунларнинг мазмун-моҳияти бўйича батафсил маълумотлар берди.



Сўнг поликлиникада аҳолига тиббий хизмат, беморлар учун яратил-ган шароитлар ҳамда муаммоларни ўрганди. Ўз навбатида таклиф ва фикрларни ҳам эшитди.

Тумандаги 17-кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилоти ҳам депутатнинг эътиборидан четда қолмади. Келажак эгалари тарбияланаётган муассасада яратилган шароит-лар билан танишди. Логопед, дефектолог, шифокор ва тарбияла-нувчилар билан дилдан суҳбатлашди. Мулоқот жараёнида уларнинг иш натижадорлигини ошириш бўйича керак бўладиган методик қўл-ланмалар, махсус ускуналар ва техник базани мустаҳкамлаш учун тегишли ташкилотлар билан биргаликда амалий ечимлар кўришга келишиб олинди.

О‘зЛиДеР Қорақалпоғистон Республикаси
Кенгаши матбуот хизмати

ҚАШҚАДАРЁ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, О‘зЛиДеР фракция-си аъзоси **Гулшана Худоёрова** Қарши туманида аҳолини тадбиркорлик-ка йўналтириш орқали бандлигини таъминлаш борасидаги ишлар билан танишди. Депутат кўмагида захирага қайтарилган 41 гектар ер кимшоҳи савдоси орқали 82 нафар фуқаро томонидан ютиб олинди. Талликурон маҳалласи ҳудудидаги мазкур ер майдонида деҳқон хўжаликлари ташкил этилиб, 200 нафардан ортиқ ёшлар ва хотин-қизларнинг бандлиги таъмин-ланди. Ҳозиргача ўндан ортиқ фуқарога деҳқончилик ва иссиқхона қури-лиши учун 100 млн сўмдан 300 млн сўмгача молиявий кўмак ажратилди. Оилавий тадбиркорлар билан мулоқот чоғида қуйи палата вакили мамлака-тимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш борасида қонунчиликдаги янгиликлар билан таништириб, уларни қўйиб келаётган муаммоларни ўрганди.



Гулшана Худоёрова тумандаги Чароғил маҳалласида яшаб, қатор хайрли ишларга бош-қош бўлаётган Зафар Очилов хонадониди бўлди. Тад-биркор ҳовлисида иссиқхона ташкил этиб, йил давомида помидор, бод-ринг, лимон, кулуннай, бақлажон етиштириб, туман бозорлари ва савдо дўконларига чиқармоқда. Йиллик даромад юз миллион сўмдан ошар экан. Икки йилки, Хитойдан келтирилган зотли парранда парваришини ҳам йўл-га қўйган. Шу йилдан кўзқорин етиштиришни бошлабди. О‘зЛиДеР вакили тадбиркорнинг банкдан кредит олиш борасидаги мурожаати бўйича ижо-бий ечим топиб берди.

Чароғиллик Муқаддам Турдикулова ҳамда Нурмамат Раҳимовларнинг томорқачилик тажрибаси ҳам ўрганилди. Бу оила жорий йилда ердан сама-

рали фойдаланиш борасидаги амалий ишлари учун “Ибратли оила” кўкрак нишони билан тақдирланган эди. Шу маҳаллада яшовчи Юлдуз Қодирова эса мўъжазгина жойда тикув цехи ташкил этиб, “Аёллар дафтари”га кири-тилган 15 нафар хотин-қизни иш билан таъминлабди. Унга цехини кенгай-тиришда жой ва замонавий тикув машиналари харид қилиш учун молиявий кўмак олишда амалий ёрдам кўрсатиладиган бўлди.

Шунингдек, мамлакат парламенти аъзоси “Инвесторлар Қашқа-дарёда” форуми доирасида Қарши шаҳар “Ёшлар маркази”да ташкил этилган “Ёшларнинг стартап лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ва сунъий интеллектдан самарали фойдаланиш” мавзусига бағишланган мулоқотда ҳам иштирок этди. Сайловчилар билан учрашувлар доирасида Касби туман Пандирон маҳалласи йўлларини таъмирлаш билан боғлиқ ишларни ҳам ўр-ганди.

Сайфулла ИКРОМОВ,
“XXI asr” мухбири

САМАРҚАНД

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, О‘зЛиДеР фракцияси аъзоси **Мухсинжон Холмухамедов**нинг Ургут тумани Ўрамас маҳалласида сайловчилар билан ўтказган мулоқоти қизғин кечди.

О‘зЛиДеР вакили 157-мактабдаги учрашувда аҳолини ўйланти-раётган муаммолар, таклифларни бирма-бир ўрганиб, таҳлил қи-



лишга ваъда берди. Асосийси, ўзига ишониб овоз берган одамлар-нинг ҳаёт тарзи ва турмуш шароитларини янада яхшилаш йўлида ҳаракат қилиш билан бирга, келгусида уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, кўпдан буён ечими топилмаётган айрим масалаларни ижобий ҳал этишда депутатлик сўровлари юбориб, назоратга оли-шини билдирди. Мурожаатларнинг аксар қисми йўллар таъмири, сув таъминоти, таълим ва тиббиётдаги камчиликлар, ёшлар учун иш ўринлари яратиш борасида бўлди.

Фракция вакили тумандаги саноат ишлаб чиқариш корхонала-рида ҳам бўлиб, ишчи-хизматчилар учун яратилган шарт-шароит-лар билан ҳам танишди. Тадбиркорларни қийнаётган муаммоларни эшитди.

* * *

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати **Абдулло Асла-нов** ҳам аҳоли муаммоларини жойига чиқиб ўрганди ва уларни ҳал этиш чораларини кўрди.

Тойлоқ тумани Олмазор маҳалла аҳли ҳудудда боғча қуриш бо-расида ёрдам сўраган эди. Шу боис депутат дастлаб вилоят Соғ-лиқни сақлаш бошқармаси раҳбари Сўҳроб Зайниев билан учраш-ди. Суҳбат давомида бошқарма балансида бўлган ва бугунги кунда бўш турган ҚВПни туман ҳокимлиги балансига бериш ва у жойдан болалар боғчаси қуриш масаласини ижобий ҳал этиш мумкинлиги қайд этилди.



Абдулло Асланов Самарқанд, Тойлоқ туман газ таъминоти идо-раси фаолияти, ишчи ва ходимларнинг шароити, газ тақсимлаш марказида аҳолига етказиб берилаётган газ баллонларини яроқли-лиги ҳолатини ўрганди.

О‘зЛиДеР Самарқанд вилоят кенгаши
матбуот хизмати

ЖИЗЗАХ

Парламент қуйи палатаси депутати, О‘зЛиДеР фракцияси аъ-зоси **Рискул Сиддиқов**нинг сайловчилар билан мулоқотлари да-вомида Ғаллаорол ва Бахмал туманларида фаолият юритаётган фермер ва тадбиркорлар, “маҳалла еттилиги” вакиллари, фаоллар, хотин-қизлар, ёшларнинг фикрлари тингланди. Халқ ноиби Ғалла-оролдаги туман тиббиёт бирлашмаси, спорт мажмуаси ва мактаби, “Оила” маскани, Бахмал туманида эса Истиқлол маҳалласи ҳуду-дидаги ёшларга ажратилган 15 гектарлик кооперация усулидаги “Истиқлол ёш фермерлари” МЧЖ фаолияти билан танишди.

Юзма-юз мулоқот тарзида ўтган учрашувда сайловчилар депу-татга ютуқ ва муваффақиятлар билан бир қаторда камчиликлар ва муаммоларини ҳам рўйи рост айтишди. Мисол учун, Бахмал тумани Новқа маҳалласида яшовчи Раббим Бердикулов ички йўллар анча йиллардан бери таъмирланмагани, бу эса аҳолига қийинчилик туғ-



диришини айтиб, муаммони бартараф этишда амалий ёрдам сўра-ди. Ҳамқишлоқлари ҳам унинг фикрини қўллаб-қувватлашди.

Мазкур масала шу ернинг ўзида мутасаддилар билан биргалик-да муҳокама қилиниб, уларни бартараф этиш юзасидан аниқ чо-ра-тадбирлар белгилаб олинди. Халқ ноиби сайловчиларга ушбу мурожаат тўлиқ депутатлик назоратига олинишини маълум қилди.

Учрашувлар давомида маҳаллий кенгаш депутатлари ва партия фаоллари узвий ҳамкорлигини йўлга қўйишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ,
“XXI asr” мухбири

НАВОЙ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, О‘зЛиДеР фракцияси аъзоси **Азиза Аминова** вилоятдаги нодавлат-нотижор-рат ташкилотлар раҳбарлари билан учрашди.

Жаҳон амалиётида ривожланган давлатлар тажрибасига эъти-бор қаратилса, нодавлат-нотижорат ташкилотлар жамият тараққи-ятининг муҳим бўғини ҳисобланади. Замонавий фуқаролик жамия-тининг ажралмас қисми бўлган ННТлар турли ижтимоий, иқтисодий, экологик ва маданий соҳаларда фаолият юритиб, давлат ва бизнес секторларига муқобил сифатида хизмат қилади. Улар аҳолининг эҳтиёжларига мослашувчан ва тезкор жавоб бера оладиган, кўпин-ча ижтимоий тенглик ва адолат тамойилларини илгари сурадиган муҳим институтлардир.

Мулоқот давомида таъкидландики, ННТлар – жамиятнинг юра-ги, унинг фаоллиги ва ижтимоий масъулиятининг кўзгусидир. Улар



орқали кўплаб ижтимоий муаммоларга ечим топилмоқда. Шунинг-дек, тадбирда Президент Шавкат Мирзиёев иштирокида бўлиб ўт-ган коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши йиғилишида бел-гилаб олинган вазифалар ҳам атрофлича муҳокама қилинди.

Халқ вакилларининг халқ билан учрашувлари жойларда давом этмоқда.

О‘зЛиДеР Навоий вилоят кенгаши
матбуот хизмати



ЎЗБЕКИСТОН — ЯПОНИЯ: ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ ЯНАДА РИВОЖЛАНАДИ

Кейинги йилларда Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги дўстона ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик жадал ривожланиб бораётгани барчани қувонтирмакда. Япония — Ўзбекистоннинг ишончли ва стратегик ҳамкори сифатида барча соҳаларда яқин алоқалар ўрнатган. Хусусан, икки давлат раҳбарлари — Президентимиз Шавкат Мирзиёев ва Япония Бош вазири Шигеру Ишибанинг сазй-ҳаракатлари билан мамлакатлар ўртасида икки тарафлама алоқаларнинг барча йўналишларида ўзаро муносабатлар фаоллашиб, кўп томонлама мулоқотлар мустаҳкамланиб бормокда.



Муносабатларимиз нафақат дипломатик, балки иқтисодий, sanoat, туризм, илм-фан ва инновациялар соҳаларида ҳам фаол ривожланмокда. 2024 йил якунларига кўра, икки мамлакат ўртасидаги савдо айланмаси 320 миллион АҚШ долларига етди. Бугунги кунда Ўзбекистонда япон капитали иштирокида 84 та корхона фаолият юритмокда, 4 миллиард доллардан ортиқ қийматдаги 22 та қўшма лойиҳа амалга оширилмокда. Бу рақамлар ҳамкорлигимиз салоҳияти қандай даражада эканини яққол кўрсатади.

Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери бошчилигидаги парламент делегацияси Японияга расмий таширф билан бориб келди. Делегация аъзоси сифатида Япония парламенти ва бир қатор етакчи ташилотлар билан бўлиб ўтган учрашуларда иштирок этиб, уларнинг фаолияти билан яқиндан танишиш им-

кониятига эга бўлдим.

Сафар давомида Япониянинг халқаро ҳамкорлик агентлиги — JICA билан ҳам ўзаро ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди. Шу пайтгача 2 900 нафардан ортиқ ўзбекистонлик мутахассислар Японияда таълим олган, бу эса кадрлар салоҳиятини оширишда муҳим қадам ҳисобланади.

Шунингдек, Япония парламенти қуйи палатасининг қонунчилик жараёни, ички тузилмаси билан танишиш, Хиросима шаҳридаги университет ва тиббиёт клиникаси фаолиятини кўздан кечириш — биз учун фойдали ва илҳомлантирувчи тажриба бўлди.

Аҳамиятисиз, жорий йилнинг апрель ойида Тошкентда ўтказилган Парламентлараро Иттифокнинг 150-юбилей ассамблеясида япон делегациясининг фаол иштирок этгани ва ушбу тадбир уларда катта таассурот қолдиргани бу ҳамкорлик алоқаларининг юқори савияда эканини яна

бир бор тасдиқлади. Япония парламентариёлари томонидан Ўзбекистонда гендер тенглигига қаратилаётган эътибор, хусусан, парламентда хотин-қизлар улуши 38 фоизга етгани юксак эътироф этилди.

Учрашув ва мулоқотларимиз чоғида таълим, инвестициялар, туризм, инфратузилма ва бошқа соҳаларда ҳамкорлиқни янада ривожлантириш масалалари ҳам кенг муҳокама этилди. Хусусан, янги лойиҳалар ва ташаббуслар, қўшма таълим дастурлари, талабалар алмашинуви каби йўналишларда Япония тажрибасидан кенг фойдаланиш режалаштирилмокда.

Кунчиқар юрт бўлмиш Японияга уюштирилган ушбу таширф нафақат барча жаҳонларда икки давлат ўртасидаги изчил давом этаётган муносабатларни мустаҳкамлаш, балки келгусидаги парламентлараро ҳамкорлик уфқларини очишда ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлади.



Наргиза САЛОМОВА,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
депутати

ПОЙТАХТДА ИШЛАР ҚАНДАЙ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, О'зЛиДеР фракцияси аъзоси Равшан Фозилов Президентимизнинг 2022 йил 28 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2023-2025 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш борасида пойтахтимизда олиб борилаётган ишлар билан танишиш мақсадида хитойлик инвесторлар барпо этган “High Town City” бизнес марказида бўлиб, тадбиркорлар учун яратилган шарт-шароитларни ўрганди.

Бу ерда миллий брендлар сотиладиган дўконлар фаолияти йўлга қўйилгани эътиборга лойикдир. Яна бир жиҳати, марказнинг орт томонида кўп қаватли уйлар барпо этилаётган-

лиги ва шу ерда яшовчиларнинг фарзандлари учун мактаб ва мактабгача таълим муассасаси ҳам қурилиши режалаштирилганлиги қувонarli. Партиянинг парламентдаги ва-

кили, шунингдек, Олмасор туманида жойлашган 117-сонли мактабгача таълим муассасасида ҳам бўлиб, бу ерда болажонларга яратилган шароитларни таҳлил қилди.

Ҳар икки ҳудудда ҳам ечимини кутаётган масалалар атрофича ўрганилиб, тегишли тартибда чоралар кўриш белгиланди.

О'зЛиДеР Тошкент шаҳар кенгаши
матбуот хизмати



Саралар сараланяпти

ИШБИЛАРМОН АЁЛЛАР БУГУН НАФАҚАТ САВДО ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА, БАЛКИ ИННОВАЦИЯ, ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР, ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ҲАМ МУВАФФАҚИЯТ ҚОЗОНМОҚДА. АЙНИҚСА, ТАДБИРКОРЛАР ОРАСИДА ХОТИН-ҚИЗЛАР САЛМОҒИ ТОБОРА ОРТИБ БОРЯПТИ. БУНДА О'зЛиДеРнинг “Ишбилармон аёл” лойиҳасининг ҳам ўрни катта десак, асло муболаға бўлмайди. Бу танлов тиниб-тинчимас аёллар учун ҳам тажриба, ҳам ҳамкорлик шартномалари тузиладиган ва иқтисодий имтиёзга улуш қўшишга биргаликда қадам ташланадиган майдондир.

ХОРАЗМ



“Янги Ўзбекистоннинг бунёдкор аёллари” шiori остида “Ишбилармон аёл” кўрик-танловининг маҳаллалардаги саралаш босқичи Шовот туманида ҳам ўтказилди. Оқ олтин, Замондош, Шовот, Янгибод, Бўстон, Тараққиёт, Ипакчи, Бунёдкор, Навруз маҳаллаларида хотин-қизлар бандлигини таъминлаган илғор тадбиркорлар фаолияти билан танишилди.

— Асавейлик Зебо Юсупова раҳбарлигидаги “Зилола-95” хусусий корхонаси бир неча йилдан бунён махсус иш кийимлари, айниқса, ҳарбий либослар тайёрлайди.

Асосан ҳарбий кийим-кечаклар тикамиз, — дейди Зебо Юсупова. — Бу иш бизга фахр туйғусини бахш этади. Чунки юртимиз равнақи, хавфсизлиги ва тинчлиги



учун хизмат қилаётган инсонлар қиядиган уст-бошни сифатли тайёрлаш биз учун шарафдир.

Саралаш давомида энг фаол, ташаббускор ва илғор лойиҳалар эгаси бўлган хотин-қизлар танловнинг навбатдаги — туман босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишди. Жумладан, Оқ олтинлик тадбиркор Ёдгора Болтаева,

“Ақром-Абдурахим” хусусий корхонаси раҳбари Нилуфар Олларберганаева, Асавей маҳалласида заргарлик буюмлари ясовчи Зебо Болтаева тайёрлаган маҳсулотлар алоҳида эътирофга сазовор бўлди.

О'зЛиДеР Хоразм вилоят
кенгаши матбуот хизмати

АНДИЖОН



О'зЛиДеР

Қўрғонтепа туман кенгаши “Аёллар қаноти” ташкил этган “Ишбилармон аёл” танловининг маҳаллалардаги саралаш босқичи доирасида Соҳибқирон маҳалласида истиқомат қилувчи, Ҳунармандлар уюшмаси аъзоси, ксаначи Хонзодаҳон Турғунованинг фаолияти эътиборга сазовор бўлди.

Хонзодаҳон оила ва рўзгор ишларидан ортиб, кўрпа-тўшак, чойшаб, юмшоқ болишлар тикиб, ички бозорни таъминлаётди. 6 нафар хотин-қизни ҳам иш билан



таъминлаган. Яна 15 нафар шоғирдига хунар ўргатмокда.

— Келгусида иш ўрнини кенгайтириб, шоғирдларимни ҳам 30 нафарга етказиш ниятим бор, — дейди Хонзодаҳон Турғунова. — Партиянинг мазкур танлови ҳақида эшитиб, иштирок этишга қа-

дор қилдим. Ҳамкасбларимнинг тажрибаларини ўрганиш, фаолиятимни янада оммалаштиришда бу катта имконият майдони бўлади.

О'зЛиДеР Андижон вилоят
кенгаши матбуот хизмати

НАВОИЙ



Амалий ишларга бой тарзда ўтаётган, янгидан янги тадбиркорлар кашф этилишига сабаб бўлаётган ушбу танловда Конимех туманининг Наврўз, Дўстлик, Юксалиш, Бирлик, Гулистон, Қарақ ата, Шўркўл, Учтепа, Саржал, Кўкча, Зафаробод, Боймурод маҳаллаларидан 20 дан ортиқ ишбилармон хотин-қизлар ўзлари тайёрлаган маҳсулотларини махсус кўргазмада намойиш этишди ва уларни ҳақамлар ҳайъати низоми талаблари асосида баҳолашди.

— Шарқона ширинликларимиз ҳар бир конимехлик юртдошимнинг дастурхонидан ўрин олаётганидан суюнаман, — дейди Бирлик



маҳалласи тадбиркори Гавҳар Бегажонаева. — Буни қарангки, танловнинг маҳаллалардаги саралаш босқичида иштирок этиб, туман босқичига йўлланмани қўлга киритдим. Бу ғойалик мен ва жамо-

амга юқори қайфият ато этибгина қолмай, ҳозирданқо янада кўпроқ маъсулият юкляпти.

О'зЛиДеР Навоий вилоят
кенгаши матбуот хизмати

ҚАШҚАДАРЁ



О'зЛиДеР Китоб тумани кенгаши, маҳаллий кенгашлар депутатлари ҳамда “Аёллар қаноти” ташкилотчилигида “Ишбилармон аёл” кўрик-танловининг маҳаллалар саралаш босқичи ўтказилди. Унда туманининг Гулистон, Тошкент, Қўхсор, Али Қўшчи, Бўстон, Янгибод, Санам, Бектемир, Богбон, Истикбол, Соҳибкор, Ҳож, Халқлар дўстлиги, Чармгар, Анорзор, Башир, Алақўйлик, Улўбек, Қорабулоқ, Панжи, Қўшдарё, Сурум, Денов, Самарқанд ва Мустақиллик маҳаллаларида фаолият олиб бораётган ишбилармон аёллар иштирок этди.

Ҳақамлар ҳайъати 25 та маҳаллада тадбиркорлиги, ҳунармандлиги ва фермерлиги билан ном қозонган, “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларни иш билан таъминлаш, маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожланти-



риш, томорқадан самарали фойдаланиш, иссиқхона ҳуналигини йўлга қўйишда барчага ибрат бўлиб келаётган хотин-қизлар фаолияти билан яқиндан танишдилар. Улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўргазмаси кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. 7 нафар хотин-қиз фаолияти ибратли деб топилди ва “Ишбилармон аёл” кўрик-танловининг туман босқичида иштирок учун саралаб олинди.

— Туманимизда ҳам аёллар тадбиркорлиги ривожланаётганини боис янги иш ўринлари яратилаётди, — дейди О'зЛиДеР Ки-

тоб тумани кенгаши раисининг биринчи ўринбосари — аппарат раҳбари Гуллола Кенжаева. — Ҳақамлар ҳайъати аъзолари танловга келиш имкони бўлмаган ишбилармон аёлларнинг ишхонаси ёки хонадонига боришиб, фаолиятига баҳо беришди. Иссиқхона ҳўжалиги, ҳунармандчилик, миллий каштачилик, тикувчилик соҳалари яхши ривожланганини алоҳида эътироф этишди.

Сайфулла ИКРОМОВ,
“XXI asr” мухбири

МАВСУМ МАВЗУСИ

Таътил ҳаммага... татийдимми?

Биринчи синфни битирган неварам “лагер” нималигини сўраб қолди. Бу сўз эски замонлардан қолгани, ҳалиям тилимизга тушувдек ўралашиб ётгани ҳақида саккиз яшар болакайга тушунтириб ўтириш бефойдалиги учун билганимни айтиб қўяқолдим: “Аълочи ўқувчилар юбориладиган оромгоҳ. У ерда ҳар куни турли тадбир-мусобақалар ўтказилади, фаолларга совғалар беришади. Яхши ўқисанг, сенга ҳам йўлланма беришади!”.

Ёзги таътилга чиққан ўқувчилар сони мамлакат миқёсида 6 миллион нафарни ташкил қилар экан. Бу жуда катта рақам! Юқори ҳамда бошланғич синф ўқувчиларини чегириб ташлаган тақдирда ҳам камида икки миллион нафар ўқувчининг таътил давомида болалар оромгоҳларида дам олиш ва соғлигини мустаҳкамлашга маънан ҳаққи бор. Аммо улардан қанчаси бу бахтга сазовор бўлади?

Ҳозирги кунда ҳар бир шаҳар-туманда кўпи билан икки ўринда болалар оромгоҳлари ташкил қилинган. Уларнинг қамрови ҳудудлардаги ўқувчиларни оромгоҳларга жалб қилишга етмаслиги аниқ.

Собиқ иттифоқ даврида ҳар бир қишлоқдаги бирор мактабда ёзги болалар оромгоҳлари ташкил қилинар, барча сарф-харажатлар давлат ё жамоа ҳўжаликлари зиммасига юклатиларди. Оммалашиб кетган бу ибратли тажриба бундай ҳўжаликлар тугатилиб, ер майдонлари фермер ҳўжаликларига бўлиб берилганидан сўнг барҳам топди. Ҳўш, бугун ана шу фермерлар бу каби хайрли ишларга бош қўша оляптими?

Яқинда ижтимоий тармоқларда Хоразм вилояти Шовот туманидан бир хабар ёйинланди. Унда овози туман ҳокимлиги масъул ходими дейиляётган шахс фермерларга болалар оромгоҳлари учун йўлланмаларни сотиб олишни таклиф қилмоқда. Маълум бўлишча, бу топириқ туманда фаолият юритаётган чорвачиликка ихтисослашган фермер ҳўжаликлари эгаларига берилган бўлиб, унда уч юзу қанчаям йўлланма ҳақида гап боради. Ушбу ҳолатга салбий томондан қаралиб, гўёки бу ишни “ночор фермерларни хароб қилиш” деб баҳолаганлар ҳам топилди. Уйлаб қолади одам: уша йўлланмаларни фермер ҳўжалиги эгалари ўзи ёки кўл остидаги ишчи-хизматчиларининг фарзандлари, неваралари учун сотиб олишининг нимаси ёмон? Ортиқча йўлланмалар эҳтиёжманд оилалар, етим болалар учун харид қилinsa, савоб эмасми? Қолаверса, уша чипталар нархи ҳам от билан туя эмас, анча арзон. Устига устак, оромгоҳларда дам оладиган болалар учун кетадиган сарф-харажатнинг ярмини касаба уюшмалари кўтараяпти.

Масалан, Хоразм вилоятида бу йилги мавсумда болажонларнинг маза қилиб ҳордиқ чиқаришлари учун 22 та оромгоҳ фаолият юритиши белгиланган. Уч босқичда бу масканларга салкам ўн бир минг нафар ўқувчилар жалб этилиши режалаштирилган. Бундан ташқари Богот туманида “Келажак авлодлари” номли янги болалар оромгоҳи ҳам очилаяпти.

Яна бир эътиборли жиҳати, фарзандларимизнинг кўнглидагидек дам олишларни ташкиллаштириш учун махсус департамент фаолият юритмоқда. Демак, назорат кучай-

Кўшнимизнинг ўғилчаси невараларимга мақтанибди: “Мен лагерга бораман, у ёқда ҳар кун байрам эмиш...”



тириляпти ва турли-туман ташкилотларнинг аралашувларига йўл қўйилмайди. Ушбу департаментнинг вилоятдаги бўлими томонидан тақдим этилган маълумотлар орасида бир рақам эътиборимни тортди. Жорий йилда воҳадаги оромгоҳларда Қорақалпоғистон Республикасининг Шуманай туманидан минг нафар болажонларнинг юқори савияда ҳордиқ чиқариши режалаштирилган. Аёнки, бу Орол денгизининг ҳалокати туфайли экологик вазият жиддий бўлган ҳудуддаги болалар саломатлигини ўйлаб амалга ошириляётган инсонпарварлик тадбиридир. Таъкидлаш керакки, айнан Оролбўйи ёшлари учун бошқа вилоятларда ҳам шундай қулайликлар яратилган.

Маэкур оромгоҳлар воҳанинг энг сўлим масканларида, яъни йирик оқар сув тармоқлари бўйларида ташкил қилинганки, бу бошқа ҳудудларга нисбатан тобора ёмонлашиб бораётган Қорақалпоғистон минтақаси аҳли учун катта аҳамиятга эга. Шаҳарлардаги кўп қаватли турар жойларда яшайдиган болажонларнинг сўлим табиат кўнида ёзининг иссиқ кунларини ўтказиши қандай завқ уйғотишини тасаввур қилиш қийинмас.

Хоразм вилоятидаги умумтаълим мактабларида таҳсил оляётган, айнан ёши болалар оромгоҳларида дам олишга мос тушадиган ўқувчилар сони катта. Аммо шунча боланинг нечтасига “лотерея” чиқиси, яъни оромгоҳларга йўлланмани кўлга киритиши нақадар тўғри? Бу ҳолат болалар кўнглида бир умр ижтимоий адолатга бўлган ишончини сусайтирмайдики? Атиги уч ой давом этадиган таътил маҳали имкон қадар кўпроқ ўғил-қизларимизни оромгоҳларга қамраб олишни ўйлаб кўриш вақти келмадики? Бунинг учун балки эски даврдан қолган анъана, яъни ҳар бир қишлоқнинг ўзида шундай мавсумий оромгоҳлар ташкил қилишни йўлга қўйиш керак эмасмикан? Бу ишга тадбиркорлар ва бошқа савобталаб кишиларнинг ҳам бош қўшиоғи учун ҳаракат қилиш лозимдир балки.

Тўғри, ёзги таътилда барча умумтаълим мактабларида

турли спорт ва бошқа маданий-маърифий тўғараклар ташкил қилиш, ҳафтанинг маълум кунлари ўқувчиларни ана шу жараёнга жалб этиш амалиёти бизда мавжуд. Шундай йўл орқали оромгоҳларга боролмай қолган болалар кўнглига йўл топиш мумкин ҳам.

Танганинг иккинчи тарафи, ҳамма ота-она ҳам боласининг оромгоҳга боришини истамайди. Бировларига ўша арзимас йўлланма ҳақи оғирлик қилади, яна айримларнинг ишончи сусайган, тинчгина кўз олдиди юришини хоҳлайди.

Асосийси, инсонпарварлик ғоялари устун бўлган давлатимизда эҳтиёжманд оилалар фарзандлари, етим болалар оромгоҳларда бепул, яъни маҳаллий ҳокимлик ёки ҳомийлар томонидан соғломлаштирилиши қатъий анъанага айланган. Леки минг афсуски, ушбу “имтиёзли йўлланма”лар атрофиди яқин ўтмишда кўп ноҳақликлар кузатилганига кўз юмиб бўлмайди.

Ўттиз йилча бурун Ўзбекистон Ахборот агентлигининг воҳадаги мухбири эдим. Ёзги таътилда пойтахт ҳамда водийдаги гўзал масканларда ташкил қилинган болалар оромгоҳларига дам олиш учун жўнаб кетган етим-есир болалар ҳақида хабар ёздим. Мамлакатимизда ушбу тоифа вакилларига нисбатан олиб бориляётган инсонпарварлик сиёсатини тўй-томоша, тадбирларда ушбу воқеа мисолида айтиш ҳам юрдим.

Ва бир кун меҳрга муҳтож болажонлар таътилдан қайтадиган куни яна темир йўл вокзалига чиқдим. Мақсадим, сўлим оромгоҳларда ҳордиқ чиқариб, соғлигини тиклаб қайтаётган ўғил-қизларимиз кувончига шерик бўлмоқ, уларнинг гўзал таассуротларини қорғозга туширмоқ эди. Аммо...

Вокзалда вилоят ҳокимлигида ишляйдиган, аммо соҳаси бошқа бўлгани учун кутиб олиш тадбирига алоқаси бўлмаган бир масъулни учратиб қолдим ва гурун орасида кимни кутаётганини сўрадим. “Икки қизимни оромгоҳга жўнатувдим, бугун қайтиб келишяпти”, деди у бамайлихо-

тир. Тилим айланмай қолди. Нега десангиз дам олишдан қайтаётган ўша болаларнинг деярли ҳаммаси ғирт етимлар эди!..

Ўн беш йиллар бўлди-ёв, Тошкентда юрган маҳалим бир танишим кўнғироқ қилиб, Бўстонликдаги болалар оромгоҳида дам оляётган неварасига пул зарур бўлиб қолгани, шунга ёрдам беришимни сўради. Бўш вақтим борлиги ва машхур гўшани кўрмоқ ниятида тоғлар бағрига жўнадим. Оромгоҳда тартиб қатъий экан. Қайси боланинг олдига ким келгани шахсий ҳужжати бўйича амалга ошириларкан. Хизмат гувоҳномамни кўрсатиб, ҳалиги масъул вазифада ишляётган одамнинг невараси исм-фамилиясини айтдим. Ходим “Ҳозир қақриб берамиз”, деб кетди ва ярим соатлардан сўнг қайтиб чиқди-да, “Акажон, узр, бу ерда сиз сўраётган бола йўқ экан”, деди. Бобоси деганимга қайта кўнғироқ қилдим. У эса “Оббо, эсимдан чиқибди айтаман деб, аслида неварамиз бошқа бир боланинг исм-шарифи бўйича кетган эди, ҳозир сизга ёзвораман” деганини эшитибоқ телефонимни ўчириб қўйдим...

Англаясизми, имтиёзли, етим-есирларга ажратилган махсус квоталарни шу йўсинда “тақсимлаш” ўша замонларда роса авжига чиққан экан. Бундай мисолларни яна келтиришим мумкин.

Фақат энди худодан ёлвориб сўраб турибман: илоҳим, нафси ҳақалак отган, инсофсиз кимсаларнинг бундай шармандали қилмишлари бугунги кунда барҳам топганмикан? Балки ҳалиям пинҳона давом этаётган бўлса-чи? Ишонганим, “имтиёзлилар рўйхати”ни қатъий назоратга оладиган ташкилотлар борлигидир. Аксинча, қонуний чора енгил бўлмаслиги керак.

Рўзимбой ҲАСАН,
“XXI asr” мухбири

О‘zLiDeP ТАШАББУСИ

Кексаларни
эъзозлаш ва меҳр
кўрсатиш азалий
қадриятларимиздан.
Уларнинг бебаҳо
ўғитлари оиладаги
тотувлик ва фарзанд
тарбиясида жуда
муҳим.

Дуо билан эл кўкарар

О‘zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши фаоллари ва депутатлари ҳам муҳтарам отахон ва онахонларимиз, меҳнат фахрийларининг ҳаётини янада мазмунли ва файзли қилиш, соғлигини мустаҳкамлаш учун савобли ишларни амалга оширмоқда. Юртимиздаги тарихий масканларга ташкил этилган бепул саёҳат ана шундай эзгу ишларнинг наватбадигиси бўлди.

– Ташаббус доирасида 27-31 май кунлари Қорақалпоғистон Республикаси Кўнгирот туманидаги Қаратал, Кумбиз, Бердак, Моншақли, Қаши, Алтинкўл овуллари ҳамда Қанли, Ажиниёз ва Қипшақ маҳаллалари фахрийлари Бухоро, Самарқанд ва Қозонистоннинг Туркистон шаҳарларида саёҳатга бориб келишди, – дейди Жўқорғи Кенгес депутати Баҳодиржон Сидиков. – Улар нафақат

юртимиз, балки қўшни мамлакатнинг қадимий шаҳарларидаги ўзгаришлар, бунёдкорлик ишлари билан танишди, тарихий ёдгорликларини зиёрат қилди.

– Депутатимиз ташаббуси билан шу кунга қадар 200 нафардан ортиқ нуруний Бухоро, Хива, Самарқанд ва Туркистон шаҳарларини кўриб келди, – дейди О‘zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши аппарат раҳбари Адип Айбергенов. – Айни чоғда кўнғиротликларнинг Туркистон халқаро туристик марказга саёҳати уюштирилмоқда. Ҳар йили 50 нафар отахон ва онахон янги сайёҳлик маркази ва шаҳардаги бошқа муқаддас қадамжоларни кўрмоқ бахтига мушарраф бўлишди. Бунинг учун замонавий ва қулай автобуслар бириктирилди. Сафар харажатларини саховатпеша депута-

тимиз тўлаб бермоқда.

– Дунёга чиқиш, улуғлар қадамжоларини кўришни бир умр орзу қилар эдик, – дейди Кўнгирот тумани Кумбиз маҳалласида истиқомат қилаётган Лола ая Боғланова. – Барака топсин, Самарқанд, Бухоро ва улуғ авлиё зот Аҳмад Ясавий ҳазратлари мангу кўним топган Туркистонгача қадамларимиз етди. Ҳамиша дуодамиз, руҳиятимиз ором олди, кайфиятимиз чоғ бўлди.

Партияимизнинг нурунийларни қўллаб-қувватлаш мақсадида амалга ошираётган бу каби ташаббуслари тобора кўпайиб бормоқда.

Амангул ЕСЕМУРАТОВА,
О‘zLiDeP Қорақалпоғистон
Республикаси Кенгаши
бўлим мудир



Ҳаёт аслида – кузатишдан бошланади. Кўз ўткир бўлса, қалб онг билан бирга юрса, ҳар қандай оддий манзара ҳам катта маъноларни англатиши мумкин. Тошкент метросидаги бир сахна – ҳаётимиздаги муҳим муаммони яққол намоён қилди.

...Эрталабки тиғиз пайт. Кимдир ишга, кимдир ўқишга, яна кимдир бошқа юмуш билан ўз манзилига ошиқан. Эътиборимни бир қарашда, кишида тартибли, ҳатто одоб-ахлоқли ўқувчи таассуротини уйғотувчи бола тортди. Бироқ у катталарга жой бериш ҳақида ўйлаб ҳам кўрмас, ўриндиққа ястаниб қўлидаги матоҳга елимдек ёпишиб олганди. У

доим “идеал ҳаёт”ини кўз-кўз қиладиган шоу-бизнес вакиллари, қўйинги, мана шу телефон тарбияламоқда! Таассуфки, ёшларнинг каттагина қисми виртуал ғалаба, интернетдаги лайк ва шон-шухрат орзусига мубтало бўлиб бормоқда.

Бейхтиёр ўйлаб қоласан киши, авваллари маҳалламизда ўқимшили,

КЕЛАЖАК КИМНИНГ ҚЎЛИДА?

телефонидаги виртуал ўйинга шу қадар шўнғиб кетган эдикки, теварак-атрофни буткул унутган. У тез-тез безовталанар, оғзидан боди кириб, шоди чиқар, вақти-вақти билан асабий ҳолатда бақириб ҳам кўяр эди. Бир неча бекатдан сўнг, уйинда ютқазиб қўйди шекилли, жазавага тушиб, шунангки бақириб сўнча бошладикки, натижада бейхтиёр йўловчилар унга ҳайрат билан тикилиб қолишди. Афсуски, катталар орасидан унга танбёх бериб, тартибга қасирадиган бирорта йўловчи топилмади.

Эҳтимол, бу ҳолат кўпчиликнинг наздида арзимас, ўспириннинг ўттиш даврига хос қизикқонлиги бўлиб туюлгандир. Аммо, бу – шунчаки бир нотаниш ўқувчининг жўн масаласи эмас. Бу – жамиятнинг, келажакнинг, тарбиянинг, таълимнинг акс-садоси эди.

Бейхтиёр ўша лаҳзада менинг хаёлимдан: “Биз қандай авлодни воёга етказяпмиз?”, деган савол ярқ этиб ўтди.

Аваллари болалардан “Келажакда ким бўласан?” деб сўралганда, олим, ўқитувчи, шифокор, космонавт каби элга нафи тегадиган касбларни тилга олишар эди. Ҳозир-чи? Назаримда, бугун бундай савол берувчилар ҳам жуда ноёб бўлиб бормоқда. Бу саволнинг жавоби эса янада хатарли: блогер, тиктокер, геймер, квадербей...

Катта эҳтимол билан эглаб тухум қовуриб бера олмайдиган қизларнинг уялмай, тортинмай маҳрга “Гелик” ёки 10 хонали ўй сўраши ёки фақат ойига 100 000 доллар даромад топадиган йигитга турмушга чиқиши ҳақидаги интервьосини сиз ҳам кўрган қачарисиз.

Афсуски, аччиқ кулгига сабаб бўляётган бу “фантастик авлод” ўз-ўзидан етилиб қоляётгани йўқ. Уларни

зиёли қатлам эталон эди. Кишилар маҳалламиздан чиққан олим ва фан арбобларига ҳавас билан қараб, фарзандим шундай инсон бўлса, дер эди. Фарзандларини ҳам шу руҳда воёга етказарди. Мақсад, уларни илми, жамият ва халққа нафи тегадиган бўлишлари эди.

Бироқ, назаримда бундай олижаноб, муштарак мақсадлар энди эскиргандек. Одамлар зўр бериб, ўзини ўзи турли жаҳада кўз-кўз этиш асосий мақсадга эврилгандек гўё. Биргина мисол, барча жиҳатлари билан унга рақобатлаша оладиган, хотира сийғими ундан икки баробар кўп, лекин нархи бир баравар арзон телефон туриб, биз ақлимизга қарши тишланган олма рамзи туширилган телефонни сотиб оламиз. Нима учун? Одамлар бой дея ўйлаши учун.

Атрофга қаранг, сохта бўлмаган нарсани ўзи қолдимиз? Еяётган овқатимиз, қияётган кийимимиз, минаяётган машинамиз, ҳатто, тилини ҳам илм ўрганиш учун эмас, донолигимизни бошқаларга исбот қилиш учун ҳаракат қиляётгандекмиз. Аммо бор ҳақиқат шундаки, мен таниган, бир замонлар илм йўлидан кетган кишиларнинг ортидан бугун бойлик ва мансаб эргашиб юрибди.

Назаримда бугун аксар ота-оналар фарзандига моддий таъминотни ўзи етарли деб билишади. Ваҳоланки, маънавият ва моддият бу қушнинг икки қанотиға ўшайди. Қушнинг бир қаноти қанчалик бақувват бўлмасин, иккинчи қаноти бўлмаса у кўкка кўтарила олмайд.

Албатта, бу борада фақат ота-оналарни айблаш ҳам нотўғри, бунга жамият, таълим масканлари ҳам дахл-

ТАЛАБА МИНБАРИ

дор. Мактаб ва боғчалардаги эътиборнинг пасайиши, янгича тафаккур ўрнига ёдлашга асосланган эски усуллар, ўқитувчи қадрининг йўқолиши – буларнинг барчаси ёш авлодни билимга эмас, кўз-бўямачиликка етаклямаяптими?

Қолаверса, бундай кўникманинг йил сайин яшин тезлигида урчиб кетишида оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар сабаб ёшлар илми инсонларни эмас, шухратпараст ва мактанчоқ “инфлюенсер”ларни ўзларига ибрат деб билишмоқда. Машхурлик билимдан устун қўйилмоқда. Бу эса жиддий хатар.

КЕЛАЖАК КИМНИНГ ҚЎЛИДА?

Бейхтиёр ўйлаб қоласан киши, агар жадидлар тирик бўлганида бугунги авлодни кўриб нима деб ўйларди? Улар илм, маърифат ва тафаккур билан жамиятнинг уйғотишга бел боғлаган эдилар. Шу йўлда мактаблар очишди, газета-журналлар чоп этишди, китоблар ёзишди. Алал оқибат юртни уйғотиш учун жонларини қурбон қилдилар. Бугун эса уларнинг авлодлари тикток ва инстаграмда илмисизлик, фахш, маҳаллийчилик ва бошқа иллатларни тарғиб қилиш билан машғул бўляётгани ҳаммамизни ҳушёр тортирмоқчи лозим.

Технология – бу бало эмас, лекин ундан қандай фойдаланяётганимиз катта аҳамиятга эга. Биз илм ва маърифатни оммавий маданиятга алмаштирдик. Контент истеъмолчиси бўлдик, билим эгалашни унутдик. Қўзларимизга фақат экран, қалбимизга эса шовқин жойлашди.

Ёшлар, кўзингизни очинг. Ҳозир сиз тиктоқда вақт ўтказяётган пайтда, дунёнинг бошқа бурчагида тенгқуларингиз сунъий интеллект, биотехнология, соғлиқни сақлаш, иқлим ўзгариши каби соҳаларда кашфиётлар қилмоқда. Улар жамиятни ўзгариштиришга интиломоқда. Улар дунё тақдирини ҳал қилувчи кучга айланиб бормоқда.

Китоб ўқинг. Тафаккур қилинг. Маънавий бойлик, интизом ва масъулият билан яшанг. Келажак тасодиф эмас, саяё-ҳаракат натижасидир. Ҳақиқий камол – илм ва маърифатда.

Ўқинг келажак – билимми, тафаккурми, маънавиятли ёшларнинг қўлида.

Севинч УМУРЗОҚОВА,
ЎзЖОКУ талабаси

Biznesni
Rivojlantirish
Banki

*Zamonaviy va qulay
xizmatlar siz uchun!*

www.brb.uz

ТАҚДИМОТ

“ҲАМОҲАНГЛИК”

ҲАЁТГА ҲАМОҲАНГ ҚЎЛЛАНМА

Республика Миллий матбуот марказида маҳоратли журналист, истеъдодли публицист Саид Раҳмоновнинг “Олтин мерос пресс” нашриётида чоп этилган “Ҳамоҳанглик” китобининг тақдими бўлиб ўтди.

Муаллифнинг маъмур тўпламида 2017-2024 йилларда турли марказий нашрларда чоп этилган 35 га яқин туркум мақолалари саралаб жамланган. Жумладан, тараққиётимизнинг энг устувор вазибалари – камбағалликни қисқартириш, эҳтиёжманд аҳоли ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, ватандошларимизнинг қонуний манфаатларини самарали ҳимоя этиш, инсон қадрини улуғлаш, қафолатли даромад манбалари, сифатли таълим, уй-жой билан таъминлаш, айниқса, қишлоқ хўжалигининг барча асосий тармоқларида замонавий технологияларни олиб кириш масалаларига катта урғу беради.

– Камтар, меҳнаткаш ва ўз позициясига эга Саид Раҳмоновни чорак асрдан буён танийман, таҳририятимизда суяги қотди, устозларининг энг яхши анъаналарини ўзига сингдирди. Шу боис бирор бир чиқишида ижтимоий эътиборсиз нарсани кўтарганини эслай олмайман, – дейди “Халқ сўзи” газетаси бош муҳаррири Уткир Раҳматов. – Аҳолини ташвишга солган муаммолар қаршисида ҳеч қачон жим турган эмас, иллат ва нуқсонларга қарши кучли ички эътирозини катта маҳорат билан айтиб келади. Узоқ йиллар таҳририятимизда қишлоқ хўжалиги, иқтисодиёт мавзуларига ихтисослашган мукамал мутахассис сифатида шаклланди ва бу йўлда унга янги омадлар тилайман.

Дарҳақиқат, муаллиф қишлоқ хўжалигининг йилкичилик, наслчилик, асаларчилик, полизчилик, анорчилик, пиллачилик, ипакчилик, эчкичилик, чорвачилик, қанопчилик, узумчилик, балиқчилик каби кўплаб тармоқларидаги янгиликларни, ислохотлар ва натижаларни мутахассис сифатида тадқиқ қилади.

Муаллиф дала билан тиллашган, юрт кезган, жаҳонгашта қаламкаш. Ҳар бир мақолада соҳанинг етакчи олимлари, зук-

ко мутасаддилари билан фикрлашади, таҳлил доирасини максимал кенгайтириб, кичик бир дала эгитидан катта ҳудудга, сўнг мамлакат ва глобал миқёсга юксалиб, ҳисоб-китобини чиқаради. Тўплам-

дан муаллифнинг Ҳиндистон, Қозоғистон, Саудия Арабистони, Туркия давлатларида амалга оширган хизмат сафарлари давомида ёзган жуда қизиқарли мақолалари ҳам ўрин олган.

Саид Раҳмонов айна пайтда журналистика мутахассислигида филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тадқиқотлар олиб бормоқда. Сермаҳсул меҳнат қилиб келатган муаллиф “Йилнинг фаол журналисти” (2008 йил) ва “Энг улуғ, энг азиз” республика танловлари (2018 йил), “Олтин қалам” халқаро танлови (2016 йил) ғолиби бўлган.

“Ҳамоҳанглик” китоби қишлоқ хўжалиги соҳаси вакиллари, ихтисослашган мутахассислар, умуман қўлига қалам олиб, ижод қилаётган ҳар бир журналист, айниқса, олий ўқув юртида таҳсил олаётган талабалар учун жуда фойдали нашрдир.

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
“XXI asr” мухбири

Самарқанд вилоятида фаолият кўрсатаётган

“YEC GILAM”

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ

*эзгулик, меҳр-мурувват, саховат,
бағрикенглик тимсоли бўлган Қурбон ҳайити байрами билан
барча юртдошларимизни самимий муборакбод этади!
Шундай саодатли, ёруғ ва нурли кунларга етказгани учун
Яратганга чексиз шукроналар айтайлик.
Ҳайитингиз муборак бўлсин!*

Юртимизда
аҳолининг турмуш
даражасини
юксалтириш,
ҳудудларни
обод қилиш ва
инфратузилмани
замонавийлаштириш
борасида олиб
борилаётган кенг
қамровли ислохотлар
таҳсинга сазовор.

ХАЛҚ ДУОСИНИ ОЛИШ НАСИБ ЭТСИН

Суратда: (ўнгдан) “NURAFSHON MEGA CONSTRUCTION” МЧЖ бош муҳандиси Ҳожақабар Сиддиқов, вилоят қурилиш техник назоратчиси Наврўз Абдумуродов ва лойиҳачи Сардор Ҳусейнов

Президентимизнинг 2025–2027 йилларда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган қарори бу йўналишда дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Хусусан, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида Бўка туманидаги Равот маҳалласида ишлашга яроқсиз ҳолатдаги, бир кунда 50 нафар беморни қабул қилиш қувватига эга 8-оилавий поликлиника тубдан таъмирланиб, замонавий тиббиёт масканига айлантирилди. Даволаш, муолажа ҳамда хизмат хоналари қайта жиҳозланди, том ва пол, иситиш тизимлари тўлиқ янгиланиб, замон талабларига мос ҳолга келтирилди. Бунда “ASL DIYOR QURILISH” ҳамда “Aziya Brend-X” МЧЖ қурувчилари, жумладан, Элёр Тангиров бошчилигидаги жамоа аъзолари фидойилик билан хизмат қилишди.

Шунингдек, Бўстонлик тумани Яқкатут маҳалласидаги 21-мактабга таълим муассасаси, Чиноз туманидаги 165 ўринли туғруқ бўлими ҳамда Юқори Чирчиқ туманидаги юқумли касалли-

клар бўлимида амалга оширилаётган ишларнинг кўлами ҳам алоҳида эътирофга лойиқ. Айниқса, бу борада “NURAFSHON MEGA CONSTRUCTION” ва “Eru Enterprise” МЧЖ қурувчиларининг меҳнати алоҳида эътироф этиш лозим.

Шундай жонбоз ва фидойи бунёдкорлар шаънига айтар сўзимиз бу: илоҳим, қўлларингиз

ҳеч қачон дард кўрмасин, ҳар доим халқимиз дуосини олиш насиб этсин, оилангиз тинч, хотиржам бўлсин, азизлар!

Юнусали ОЧИЛДИЕВ,
“XXI asr” мухбири

Реклама ҳуқуқи асосида тайёрланди

Миртемир:

Садаған кетай, халқим!

Ўзбекистон халқ шоири Миртемир (30.5.1910, Туркистон – 25.1.1978, Тошкент) “Агар мен...” сочмасида мангулик уйкуга кетар кун бирор буюм ола кетиш эрки берила қолса, энг қадрли ашёлар қатори Оқсоқ бобо сағанасидан ложувард гишт синигини ҳам унутмаслигини айтади. Ким у оқсоқ бобо? Сағанасининг синиқ гишти шунчалик азизми?..

1960-йиллари ўзбек зиёлилари мамлакатда Амир Тему́р шахсига муносабатни ижобий томонга ўзгартиришга, шу орқали халқнинг миллий ғурурини кўтаришга киришган. Аммо мустамлакачиларнинг қақшатқич зарбасига учраган. Ана шундай қалтис вазиятда Миртемир буюк аждодимиз номини қоғозга ўраб, асарлари қатига яширган.

22 ёшидаёқ миллий масалалар ортидан қамалиб, бутун оиласидан – онаси, аёли, боласидан айрилиб, бир умрлик жароҳат олган шоирнинг “Ўлсам, Оқсоқ бобом сағанасидан гиштнинг синигини ҳам кўшиб кўминглар”, дейиши осон бўлмагандир. Ўша дамда устози Абдурауф Фитратнинг “Тему́р сағанасида” миллатга нажот тилаб қилган илтижоларини эслagan чиқар... Айтганча, “Миртемир” исми асли “Амир Тему́р”нинг қисқаришга учраган варианты.

Битик битикчидан сўзлайди. Миртемирнинг наинки шеърларини, балки публицистикасини ҳам ўқисангиз, ҳаётда фирромлик нелигини билмайдиган оқкўнгил бир инсон Сизга сатрлар орасидан боқиб турганини ҳис этасиз. У бошқалардан ҳам худди шундай тўғрилики, тозалики талаб қилади. Тобора олақуроқ дунёда гоҳи паноҳ истаган кўнгиллар Миртемирга қараб қочса бўлади.

Фаррух ЖАББОРБЕК



ра тер босиб, дудуқланиб, юзига кўз ташладим. Юзи-да, жиндек бўлсин, уят белгиси кўринмас, ранги бўз, кўзлар ўта ҳаёсиз...

Кисавур ва шеър ўғрасининг фарқи йўқ, бўлса ҳам оз, унинг ҳам, бунинг ҳам қалби қашшоқ ва саёз.

1964, май

Шоир минбарга чиққанида, унинг чиройига ё савлатига, ё башанглигига чапак чалгувчи кам бўлади. Чапак чалишса, аксар, унинг шеъри учун, холос!

Садаған кетай, халқим! Тилни ҳам, тимсолини ҳам, адабни ҳам, меҳнатни ҳам, ўринли ғурур туйғуси ва ғазабни ҳам, ўринли жирканиш туйғуси ва инсон номини ҳамма чўққилардан юксак тута билишни ҳам ўзингдан беминнат ўрганаман.

Агар мен...

Эшиккўл этагида қадимги бир жангчининг қабрини топишибди. Кафанигача олтин эмиш. Ханжари, этиги, қиличи, дубулғаси, энгил-боши, қўйинг-чи, косаси, пиёласигача қуйма олтин, тобути ҳам...

Бу бизнинг боболаримизнинг боболарига ҳос бурунги ер таги сағаналаридан. Номдор ва салтанат эгаларидан бирининг сағанаси. Қабр ичиди устихонга боғлиқ ва ёнма-ён, ўликка кераклигу кераксиз тўрт юзга яқин олтин буюм санашибди. Еттинчи асрга қадар кўмилган ўлик – саҳройи йигит, жангчи. Ё ўн саккиз, ё йигирма уч йил умр кўрган, холос.

Агар мен мангулик уйкуга кетар кун бирор бир буюм ола кетиш эрки берила қолса...

Нима олиб кетаркинман? Энг аввало ҳовлимдаги оқ гулларнинг бир ҳовуч атри;

Кейин Ҳалимахоним авжида Навойининг ўша бир сатри;

Устоз Ойбек бермиш ўша бир қалам; Олис ғурбатлардан қайтганимда, онамнинг қабрини тополмаганим важидан суяк-суякларимга синган ўша қирқ йиллик алам;

Суйгулмининг тирноқ юзидеккина сурати ҳам; Нозим Ҳикматнинг денгиз сувларидай мовий кўзларидаги ўша мунг, ўша учқун, бир сўз билан айтсам, унинг ҳаёлимдаги армонли сийрати ҳам;

Бир ғужум Фарғона узуми; Самарқанддаги йигитлик базми; Қозоқ қимизидан бир кўза; Тошкент денгизидан бир кўза; Ҳеч бўлмаса ўша Олатов яйловида қимиз ичган заранг қоса;

Ўша унутилмас ўғринча бўса; Оқсоқ бобо¹ сағанасидан ложувард гишт синиғи; Ўлганда ҳам отини аташим ножўя бировнинг кўзларидаги тубсиз меҳрдан киприкчаси ва тиниғи;

Андижон адирларида битган ғўзадан бир лўппи чаноқ ҳам; Тагин нима? Бўлди, шекилли.

Йўқ, онамдан қолмиш ягона эсдалик – кичкина парку болиш – тобутимда бошимга қўйилса-ю, ўша болиш тагига бир жуфт райхон шохчаси қўйилса...

Ўлгандан кейин бирор буюм олиб кетиш эрки берилса, мен шуларнигина ола кетишни истар эдим. Лекин ҳали ўладиган тентак йўқ, гап шунда...

1970, июль

Қишлоғимдан ўтар бўлсанг...

Тоғ тарафда бирин-кетин тўрт тегирмон. Қишлоқ ўртасидан оқаётган сув ўша тегирмонларни юргизиб, пишиб, кўпириб келади. Саҳро томонида Бойбалх. Бу шундоқ тепа. Қадимги шаҳар ўрни. Рўбарўда пахтазор, пастда полизлар. Қишлоқ олма боғлари билан ўроғлиқ.

Қишлоқ ўртасида катта йўл. Шу йўлдан ўтар бўлсанг, ташналикни қондирмоқ учун ариқдан сув ичма. Сувда фақат юз-қўлингни чай, салқинлаб ўтириб нафасингни ростла, кейин хоҳлаган эшик зулфини шикиллат. Ким чиқса ҳам: “чанқоқман”, дегин, бас. Сенга ё заранг қосада муздек гўжа, ё қатик, жа бўлмаса айрон тутишади. Ғариб жонингга симириб ол. Тагин тўла қоса олиб чиқишда, қонмасанг. Кейин сўрига чорлашиб, дастурхон ёзишлари турган гап, нон-чой, қаймоқ ва кулчатои.

Тагин қатик тутган келин ё бобойга пул узата кўрма. Бу қишлоқда сут, қатик ҳеч қачон пулга сотилган эмас. Айб. Агар пул узатсанг, қатик тугул, айрондан ҳам қуруқ қолгайсан, норози кўзларнинг ғазабига дуч бўлгайсан ёки ошқора шундоқ қарғиш олгайсан: “Ҳа, бетингни ел егур!”

Қишлоғимдан ўтар бўлсанг, боболаримнинг эзгу удумларини оёқ ости қилмай ўтавер. Агар бу сенга ёқмаса, қишлоқчилик ва дағаллик бўлиб кўринса, бир зум ҳам тўхтамай жўнаб қол – ҳей, кўк айрон сотиб кун ўткизган йўлчи!

Агар полизга қайрилсанг, хоҳлаган чайла ёнига боргин, ит вовулласа эътибор бермагин-у, сергак бўл, итнинг қопмайдигани бўлмас эмиш...

Қаршингга ё қорамғиз ўғлон, ё жиккак кампир чиқиб келгуси. Фақат қишлоқиларга хос жилмайиш ярқираб туради юзларида. Ғарам тагидан саҳар узилган қовунлардан иккитасини келтириб, лаганда талқон, сўк, нон, қатлама – барини олдингга қўйгуси ва кўлларини кўкрагига босиб: “Олинг!” дегуси. Бундан ортиқ иззат керакми йўлчига!

Босволдини сўясаним, қорақовунними, ўзинг биласан, ардоқлим. Босволдини сўйсанг, нон бўктириб егин. Мунақасини жаннатда ҳам топа олмайсан! Тагин пул узатиб юрма. Каллангга ўша қовун ё бир тоғора пўчоқ тушади, олчин тўқмоқ хавфи ҳам йўқ эмас. Бу қишлоқда ҳеч қачон қовун пулга сотилмас. Меҳнаткаш инсон иззатини хор қилма, ҳой тер тўкиб кўрмаган ўткинчи!

Қишлоғимдан ўтар бўлсанг ва мабодо кўниб кетар бўлсанг, сени кечқурун даврага чақиршлари

аниқ. Қизлар ҳам, келинлар ҳам бўйдоқ йигитлардек шўх. Лапар айтишади, дутор чалишади, ўйин тушади. Гали келганда сен ҳам бор хунарингни тўк, дариғ тутма. Кўз сол: бунақа ўйинлар, эҳтимолки, етти ухласанг – тушингга кирмас. Шундоғам қизларки, ҳазилга – ҳазил, лапарга – лапар, ҳозиржавоб. Жонга ларза солгудек кўзлари бор (жон бўлса агар). Олмадек пишган бўй қизлар, паридек келинлар булар. Тагин шўхликларини енгилтакликка йўйиб, бирортасига бежо имлаб қўйма, қитиқлаб қўйма, ё пул кўрсатиб юрмагин. Ўша зум оч биқинингдан тепки ейсан. Агар шу тепки билан қутулсанг – ҳўп, бўлмаса бу фақат бошланиши. Йигитлар сенинг юзингга қурум суркашиб, қирчанғи эшакка тесқари миндиришиб, оёқ-қўлингни танғишиб, эшак сийроғини тилиб, ачиқтош жойлаб, катта йўлга солиб юборгуси. Сийроғи ачишган эшак шундоғам йўрғалайдики... йўрғалаш ҳам гапми, чопқиллаб кетади – тойқоқдек... Йўлакай бирор киши қутқариб олар, деб умид қилма. Эшак пайсалламай, шу чопганича Чимкент бозорига ола кетгуси. Бора-боргунча (бир кўним йўл) пашшами, сўнами – тўғри келгани талайди сени. Бирор кўнгли бўш мўйсафидга учраб қолсанг, раҳми келса: “Ҳа, турингдан топилмагур!” деб, чилвирларни қирқиб ташлар, бўлмаса, шу кетганича кетганинг...

Бу қишлоқда қизларнинг малак жилмайишлари ҳеч қачон пулга сотилган эмас. Қишлоғимнинг эзгу туйғуларига кеккайиб қарагувчи бўлсанг, бир зум ҳам тўхтама, нари кет, йўлчи!

1964, июль, Туркистон

Кисавур...

Бир гал тикилинч трамвайда, менинг ўнг томонимда оқ жужун энгиллик, келишган йигит турганини кўрдим. Менга кўзлари билан салом бергандек бўлди. Хаёлимда ҳеч нима йўқ, бирорта олифтадир, деб ўйладим. Лекин сал ўтмай, чап чўнтагимда жонлик бир нима қимирлагандай бўлди. (Кичиклигимда тузоққа илинган қушни бобомдан яшириб, чўнтагимга солардим, худди шундоқ типирчилаб қоларди.) Нимайикин, деб қарадим, ҳамён йўқ. Сурилиб эшикка яқинлашиб қолган эканмиз-да! Ҳалиги жужун устбош йигитга қарадим. Ранги бўзроқ, кўзлари лўқ... бўлгани шу деб бакрайганча қараб турар эди.

Шу воқеадан сал ўтмай уйимга бир қаламқаш келди, радиода “шиғир” айтувчилардан. Нукул назариядан гапирар, замонга оҳангдошлиқдан, оригиналликдан, инсофдан гапирар эди. Кейин шеърни ўқиб кетди. Буниси ҳам худди радиода ўқигандек, кўчирма эди, ҳайрон бўлдим, нима ҳам дейман? Билиб ўқияптими ёки ёдаки бўлиб ўз-ўзидан унинг шиғирига кўчиб қолганми? Мен жуда ҳам ғалати ҳолда, қо-

Жийда

Ҳовлимизда қорашўрик, ғайнолу, сут олма, олуҳирот анча эди, шулар орасида бир түп жийда ҳам бўлар, қулоч етмас нуқра япроқ, бобомнинг бобосини кўрган нон жийда...

Онам ҳамиша шу жийда тагида бир нима тикиб ёки ямаб, ун қориб ё хамир кесиб ўтиргани ҳамон кўз ўнгимда. Агар мен бирор шўхлик қилсам, шу жийда тагида туриб, қўлини янар эди. Агар бирор хуш юмуш қилсам, шу жийда тагида олқиш олар эдим. Кўни-кўшни, амма-холалар ҳам шу жийда тагида гурунглашарди...

Айниқса гуллаганда – ёпирай, бунинг ҳиди! Ҳеч гулда бунақанги ҳид бўлмас. Пишганда-чи? Ҳовли юзи ялтироқ ёқут доналарга тўлиб кетар эди. Ма-заси-чи? Ёпирай, нондай тўқ, ширин, шиғоли. Онам халта-халта қоқлаб олар эди ёз бўйи.

Мен ҳовлимга бордим, болалигимда кўрганларимдан ёлғиз шу жийда қолибди. Тарвақай, ғадир, чийроқ, қадимгидек. Мен жийда ёнига келиб, тиз чўқдим ва ғўдир пўстлоқларига пешонамни қўйиб пичирладим:

– Онажон...

1965, Туркистон

Рақс

Шодиёна бундоқ чалинсин-да, рақс бундоқ бўлсин-да. Йигит ўйнаяпти, бирорта хотинчалиш ҳаракат топиб кўринг-чи, йўқ, ҳаммаси эркакча, мардона ва ўйинга ёпишиб турибди. Кетмон чопаяпти, қилич силтаяпти, ўроқ ўрапти, тош қулатаяпти, отда учаяпти, тўғон боғлаяпти, қанор орқалаяпти – ҳаммаси шундоқ устакорона... Шундоғам ўйнаяптики, асти қўяверинг...

Қиз-чи? Бирорта ҳаёсиз ҳаракат, ўринсиз имо, ё кўкрак ва ё қуйруқ силқиш йўқ. Юзида пишган олма қизиллиги ёки тонг шафақлари ўйнамоқда. Қадамлар энгил, қўллар қуш қанотларидек учагон – сув оляпти, пилла узаяпти, атлас тўқияпти, пахта теряпти. Бутун кўрки ва тенгсиз сиймосида ички бир шарм ва одоб.

Устозига балли!

1965, Сайрам

Қайдлар

Деҳқон – пахтанинг дилини ва тилини сув қилиб ичиб юборган бўлади. Қачон, қайси об-ҳавода экиш, қандоқ суғориш, қачон чилпиш, қайси кунни тера бошлаш – ҳаммаси ёдаки...

Мен-чи, ҳам деҳқон, ҳам сувчи, ҳам агрегат дарғаси, ҳам тупроқшунос, бир сўз билан айтганда – ҳамманинг дилини ойнадек ёруғ кўришим керак-да. Бўлмаса менинг ёзганимга ким ишонади-ю, қарғишдан бўлак не олардим?

¹ Оқсоқ бобо – Амир Тему́р назарда тутилмоқда. Бу шеър ёзилган замонда Амир Тему́р номини очиқ ёзиш мумкин эмас эди (Хуршид Даврон изоҳи).